



СОЛИҚ ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ ҲИСОБОТИНИНГ БАЪЗИ
МАСАЛАЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a25

Курбанов Зият Ниёзович -
и.ф.д., профессор Давлат солик қўмитаси
хузуридағи Фискал институт
Исаев Фахриддин Икромович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридағи
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот
маркази директор ўринбосари
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Аннотация. Ушбу мақолада бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми бўлган солик ҳисобининг назарий масалалари ёритилган. Солик ҳисоботини шакллантириш бўйича тегишли хуносалар ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: бухгалтерия ҳисоби, бошқарув ҳисоби, солик ҳисоби, молиявий ҳисобот, солик ҳисоботи.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ НАЛОГОВОГО УЧЕТА И НАЛОГОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Курбанов Зият Ниёзович -
д.э.н., профессор Фискальный институт при
Государственном налоговом комитете

Исаев Фахриддин Икромович -
DSc, доцент Заместитель директора научно-
исследовательского центра «Научные основы и проблемы
экономического развития Узбекистана» при Ташкентском
государственном экономическом университете

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические вопросы налогового учета, являющегося составной частью бухгалтерского учета. Разработаны соответствующие выводы и предложения по формированию налоговой отчетности.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, управленческий учет, налоговый учет, бухгалтерская отчетность, налоговая отчетность.

SOME ISSUES OF TAX ACCOUNTING AND TAX REPORTING

Kurbanov Ziyat Niyazovich -
doctor of economics, professor Fiscal Institute
under the State Tax Committee

Isaev Fakhriddin Ikromovich -
DSc, associate professor Deputy Director of the
Research Center “Scientific Basis and Problems of
Economic Development of Uzbekistan” at the
Tashkent State University of Economics

Abstract. This article covers the theoretical issues of tax accounting, which is a component of accounting. Relevant conclusions and proposals on the formation of tax reports have been developed.

Keywords: accounting, management accounting, tax accounting, financial reporting, tax reporting.

Кириш. Солик сиёсатини такомиллаштиришда иқтисодий ахборотлар муҳим роль

ўйнайди. Бундай ахборотлар манбай бўлиб бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади.

Хозирги вақтда бухгалтерия ҳисоби назарий ва методологик жиҳатдан такомиллашиб, унинг турлари ёки қуий тизими шаклланяпти. Молиявий ва бошқарув ҳисоблари нинг бухгалтерия ҳисоби таркибий қисми сифатида шаклланиши, кейинги даврда иқтисодий адабиётларда “солиқ ҳисоби”, “стратегик ҳисоб”, “экология ҳисоби”, “динамик ҳисоб” тушунчалари бухгалтерия ҳисобининг қуий тизими сифатида ёритилмоқда.

Адабиётлар шархи. Иқтисодий адабиётлар ва меъёрий хужжатларни ўрганиш шуни кўрсатдики, муаллифлар солиқ ҳисобини турлича талқин қилишмоқда. Баъзи муаллифларнинг қараашларини талқин қиласиз.

Хорижлик иқтисодчи олимлар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларини ҳисботнинг алоҳида тури ва қуий тизими сифатида эътироф этишмоқда.

Жумладан, иқтисодчи олимлар Д.Морсе ва Ж.Зиммерманлар бухгалтерия ҳисобини учта қуий тизимга ажратади: 1) бошқарув ҳисоби; 2) молиявий ҳисоб; 3) солиқлар ҳисоби [1].

Р.Айнворс, Д.Деинсс, Р.Д.Риумли ва К.Х.Ларсонлар бухгалтерия ҳисобини ўзаро боғлиқ бўлган тўртта қуий тизимга бўлади: 1) молиявий ҳисоб қуий тизими; 2) бошқарув ҳисоби қуий тизими; 3) солиқлар ҳисоби қуий тизими; 4) тартиба соловчи бухгалтерия ҳисоби қуий тизими [2].

В.Роберт, С.Энтони, С.Жэмислар ўzlарининг “Accounting principles” номли китобида қуийдагиларни қайд этган: “АҚШда молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисоби мөҳияти жиҳатидан алоҳида жараёнлардир. GAAP молиявий ҳисобнинг, олий раҳбарият-бошқарув ҳисобининг, IRS ва конгресс эса солиқ ҳисобининг тамойилларини белгилайди” [3].

О.Н.Волкованинг ёзишича: “Ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг ривожланиши ва мураккаблашиши натижасида солиққа тортиш базасини аниқ ҳисоб-китоб қилиш зарурати туғилди. Давлат ҳам, мулқдор ҳам ва бошқарувчилар ҳам билардиларки, бундай ҳисоб-китоблар учун ягона ва объектив маълумот умумқабул қилинган тамойилларга мос равишда жамланган ҳисоб маълумотлариadir. Шу тариқа солиқ ҳисоби пайдо бўлди” [4].

В.Б. Качалин ҳам АҚШ амалиётида молиявий ва бошқарув ҳисобларидан ташқари солиқ ҳисоби юритилишини эътироф этган [5].

Я.В.Соколов, В.Я.Соколовлар: “Ягона бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлинди. Ундан кичик корхоналар ҳисоби ажралди. 2002 йилдан бошлаб бизнинг мамлакатда солиқ ҳисоби расман эълон қилинди. Молиявий ҳисобнинг янгидан-янги йўналишлари, турлари пайдо бўлди (креатив, ҳисобнинг ижтимоий, инсон ресурслари ҳисоби, инсайдерлар билан ишлаш, экологик)” деб қайд этишган [6].

Амир Темур давлатни бошқаришда ҳисобга, шу жумладан, солиқ ҳисобига ҳам алоҳида эътибор берган. Ўзининг “Темур тузуклари” тарихий китобида солиқ ҳисоби тўғрисида қуийдагиларни эътироф этган: “Яна ҳар бир ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун (бўлиб), ундан йиғиладиган олиқ-солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисботини олиб борсин. Олик-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йиғилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йиғилиб қолган ҳосил, ақлдан озганларнинг молмулки, вориссиз мол-мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билан олинган жарималарни тартибга келтирсин”[7]. Бундан кўриниб турибдики, Амир Темур давлатчилигида солиқ ҳисобига алоҳида эътибор берилган.

Кейинги йилларда республикамиз олимлари ва иқтисодчилари томонидан ҳисоб турларининг таснифланиши, такомиллашиши, ҳисоб турларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишда солиқ ҳисоби борасидаги фикрлари адабиётларда ўз аксини топмоқда.

З.Н. Курбанов ўзининг ишларида солиқ ҳисобига қуийдагича таъриф берган: “Солиқ ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисботларини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни ҳисобга олиш тизимиdir” [8].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 76-моддасида солиқ ҳисоби қуийдагича: “Солиқ солиш объектлари ва (ёки) солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ҳамда тизимлаштириш, шунингдек, солиқларни, йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисботини тузиш мақсадида ушбу Кодекс талабларига му-

вофиқ солиқ түловчы ёки солиқ агенти томонидан ҳисоб хұжжатларини юритиш солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олиш" деб эътироф этилган [9].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, солиқ ҳисоби хұжсалык юритувчи субъектлар томонидан тұланаған солиқлар ва ийғимлар бүйіча солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисоботларини түзиш учун зарур бўлган маълумотларни ҳисобга олиши тизимиdir деган хулоса қилишимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқотни амалга оширишда қиёсий ва тизимили таҳлил усууларидан фойдаланилган. Адабиётларни таҳлил қилишда Web of Science илмий маълумотлар базасидан фойдаланилган. Солиқ ҳисоби борасида етук иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ўрганилган ва статистик маълумотлар асосида таҳлиллар олиб

борилган. Мақолада солиқ ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича тегишли хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хўш, солиқ ҳисобининг шаклланиш зарурати нимадан келиб чиқди?

Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисобининг янги тури, шу жумладан, солиқ ҳисобининг пайдо бўлиши илмий фикрларнинг тараққий этиши натижасидир.

Бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг келиб чиқиши бухгалтерия (молиявий) ҳисоби билан солиққа тортиш тизими кесимида, яъни уларнинг ўзаро боғлиқлигининг натижасидир. Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва бу солиқ тизимининг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги 1-расмда акс эттирилган.



1-расм. Макроқтисодиёт даражасида солиқ ҳисобининг келиб чиқиши диаграммаси

Манба: расм муаллифлар томонидан тузилган.

Бу расм орқали бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизимининг ўзаро боғлиқлиги оптималь нуқталарини топиш принципиал аҳамиятга эга. Бу боғлиқликнинг оптималь нуқтаси, бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг келиб чиқишидир. Венн диаграммаси – бир қанча доира билан ифодаланган тўпламларнинг мумкин бўлган мантиқий боғланишларни кўзда тутадиган диаграмма. Ҳар бир

тўплам бир-бири билан ўхшаш бўлган маълумотлар тўпламидир.

Маълумотлардан фойдаланувчилар манфаатига қараб бухгалтерия ҳисобининг учта тури мавжуд бўлиб, улар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблариидир.

Бухгалтерия ҳисобининг бу 3 тури бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бу боғлиқни ҳам Венн диаграммаси тарзида акс этгириси мумкин (2-расм).



2-расм. Бухгалтерия ҳисоби турларининг ўзаро боғлиқлиги, Венн диаграммаси

Манба: расм муаллиф томонидан тузилган.

Бухгалтерия ҳисоби турлари ҳар бирининг мақсади ва вазифаси бўлганидек, солиқ ҳисобининг вазифаси ҳам мавжуд.

Солиқ ҳисобининг вазифаси ҳисботот даврида солиқ ва йиғимларни тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган ишончли маълумотларни ҳисобга олиш ҳамда ички ва ташқи

фойдаланувчиларни зарур ахборотлар билан таъминлашдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ тушумлари бўйича баъзи маълумотларни келтириб ўтамиз. Бугунги кунда давлат бюджети даромадларининг 90 фоизидан ортиги солиқ тушумлари асосида шаклланади (1-жадвал).

1-жадвал

Солиқ тушумларининг 2017-2021 йиллардаги динамикаси, млрд. сўм

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2021 йил 2017 йилга нисбатан фоизда
		2017	2018	2019	2020	2021	
1.	Даромадлар жами	49681,0	62229,5	112165,4	132938,0	164681	331,4 %
2.	Бевосита солиқлар	11539,4	12805,4	31676,8	45206,9	58930	510,6 %
3.	Билвосита солиқлар	26133,2	33404,3	46427,2	46428,4	56292	215,4 %
4.	Ресурс тўловлари ва мулк солиги	6867,4	9714,5	19680,7	21257,0	23036	335,4 %
5.	Юқори даромаддан олинадиган солиқ	1415,2	1367,7	-	-	-	-
6.	Бошқа даромадлар	3725,8	4937,6	14380,7	20045,8	26423	709,1 %

Манба: www.mfuz.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат бюджети даромадлари 2017 йилда 49681,0 млрд. сўм бўлса, 2021 йилда 164681,0 млрд. сўмни ташкил қўлмоқда, яъни ўсиш деярли 331,4 фоизга ўсган. Бевосита солиқлар миқдори 2017 йилда 11539,4 млрд. сўмдан 2021 йилда 58930 млрд. сўмга ортиб, 510,6 фоизга ортганлигини кўриш мумкин. Билвосита солиқлар 26133,2 млрд. сўмдан 56292 млрд. сўмга ортиб, 215,4 фоизга ўсган бўлса, ресурс тўловлари ва мулк солиги 6867,4 млрд. сўмдан 23036 млрд. сўмга ортиб, 335,4 фоизга ўсган, шунингдек, бошқа даромадларнинг ҳам 3725,8 млрд. сўмдан 26423 млрд. сўмга, яъни 7 баробарга ортганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 164681,0 млрд. сўм тушумни молиявий ва солиқ ҳисобидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олиш мумкин. Бундан эса солиқ ҳисобини ташкил этиш ва солиқ ҳисоботларини тузиш ҳамда тақдим этиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

Энди солиқ ҳисоботлари масаласига тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида амалдаги барча солиқ турлари бўйича солиқ ҳисоботи шакллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сонли

“Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Солиқ ҳисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами – 3221-1] билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Қуйида “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил учун “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” 2-сонли шакли ва “Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ҳисоб-китоби” номли солиқ ҳисботининг шаклларида корхонанинг фойда солигига оид маълумотлар келтирилган ва корхонанинг 2021 йилдаги молиявий натижалари акс эттирилган. Ҳисботлардаги маълумотлардан кўриниб турибдики, молиявий ва солиқ ҳисбогидаги ахборотлар бир-бирига мос келган.

Эътибор берадиган бўлсақ, юқорида биз томонимиздан 2-жадвалда “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йилдаги молиявий ҳисботларининг “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” 2-сонли шакли, 3-жадвалда эса “Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ҳисоб-китоби” номли солиқ ҳисботининг шаклларида корхонанинг фойда солигига оид маълумотлар келтирилган ва корхонанинг 2021 йилдаги молиявий натижалари акс эттирилган. Ҳисботлардаги маълумотлардан кўриниб турибдики, молиявий ва солиқ ҳисбогидаги ахборотлар бир-бирига мос келган.

**“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил учун “Молиявий натижалар тўғрисидаги
хисобот” 2-сонли шакли, минг сўмда**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (заарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (заарлар)
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	010		x	4 323 266 094	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	020	x		x	1 663 230 373
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030	0,00	0,00	2 660 035 721	0
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:	040	x	85 877 583,44	x	1 099 715 722,99
Сотиш харажатлари	050	x		x	100 227 593
Маъмурий харажатлар	060	x	39 258 957,46	x	73 671 653,81
Бошқа операцион харажатлар	070	x	46 618 625,98	x	925 816 476,18
Хисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	154 285 253,9	x	710 760 135,93	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	68 407 670,46	0	2 271 080 133,94	0
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	2 048 594 910,7	x	5 061 127 128,12	x
Дивиденлар шаклидаги даромадлар	120	165 679 503,79	x	70 513 002,88	x
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	430 405 639,23	x	342 030 738,24	x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x	393 867	x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150	1 452 509 767,68	x	1 087 807 113	x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x	3 560 382 407	x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	1 989 285 720,08	x	6 850 838 872,17
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180		398 853 900,18		530 362 872,85
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фарқидан заарлар	200	x	1 590 431 819,9	x	2 959 545 617,41
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	3 360 930 381,91
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	127 716 861,08	0	481 368 389,89	0
Фавқулоддаги фойда ва заарлар	230				
Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	127 716 861,08	0	481 368 389,89	0
Фойда солиги	250	x		x	21 257 115
Фойдадан бошқа соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x		x	
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	127 716 861,08	0	460 111 274,89	0

Манба: “Ўзбекнефтгаз” АЖ матъумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2021 йил учун “Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби”

Кўрсаткичлар (ўсиб борувчи тартибда тўлдирилади)	Сатр коди	Сумма
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) (“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” 2-сонли шаклнинг 240-сатри)	010	481 368 390 000,00
Солиқ солиш мақсадида даромад сифатида эътироф этилмайдиган даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 010-сатри)	011	
Товарларни (ишларни, хизматларни) таннахидан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан кўриладиган зарарлар	020	2 236 763 545,70
Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текин олинган мол-мулк, мулкий хукуқлар, ишлар ва хизматлар	030	932 761 976,11
Давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ижара ҳақи миқдорини шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан ошган суммаси	040	
Чегиримайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага қайта қўшиладиган харажатлар) (Ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри)	050	108 763 605 262,35
Келгусида солиқ солинадиган фойданан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари (Ҳисоб-китобнинг 3-иловаси 010-сатри 3-устун – 010-сатри 4-устун)	060	
Олиниши лозим бўлган (олинган) дивидендлар ва фоизлар – жами (071-сатр + 072-сатр), шу жумладан:	070	412 543 741 000,00
Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан	071	412 543 741 000,00
Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи манбалардан	072	
Солиқ солинадиган фойда (010-сатр - 011-сатр + 020-сатр + 030-сатр + 040-сатр + 050-сатр + 060-сатр - 070-сатр)	080	180 757 779 784,16
Имтиёзлар – жами (Ҳисоб-китобнинг 4-иловаси 3-устун 030-сатри)	090	3 615 155 595,68
Солиқ солинадиган база (080-сатр – 090-сатр), бироқ “0” дан кам эмас	100	177 142 624 188,48
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоботни белгиланган ставкаси, фоизда	110	12
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси – жами (100-сатр x 110-сатр)	120	21 257 114 902,62
Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар учун фойда солигининг тузатиш киритилган суммаси	130	0
Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисобот даври учун ҳисобланган суммаси, жами (120-сатр – 130-сатр – Ҳисоб-китобнинг 7-иловаси 090-сатри + Ҳисоб-китобнинг 8-иловаси 060-сатри 3 ва 4-устунлар йигиндиси), шу жумладан:	140	212 57 114 902,62
алоҳида бўлинмалар жойлашган жойи бўйича (алоҳида бўлинмага тўғри келадиган фойда солиғи суммаларининг ҳисоб-китобидан келиб чиқиб)	141	

Манба: Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

Молиявий ҳисобнинг якуни сифатида молиявий ҳисботлар тузилса, бошқарув ҳисоби натижасида бошқарув қарорлари қабул қилинади, солиқ ҳисобининг якуний натижасида эса солиқлар бўйича ҳисббот тузилади. Молиявий бошқарув ва солиқ ҳисблари бир-бiri билан боғлиқ бўлиб, бир-бiriни маълумотлар билан тўлдиради. Бу эса бухгалтерия ҳисби ахборотларидан фойдаланувчилар учун зарур бўлган маълумотларни тўлиқ олиш имкониятини беради.

Холоса ва таклифлар. Маълумотлардан фойдаланувчилар манфаатига қараб бухгал-

терия ҳисобининг учта тури бўлиб, улар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблариидир.

Солиқ ҳисобининг келиб чиқиши бухгалтерия (молиявий) ҳисби билан солиққа тортиш тизими кесимида, яъни уларнинг ўзаро боғлиқлигининг натижасидир.

Солиқ ҳисби деганда, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисботларини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни ҳисобга олиш тизимиdir, деган холосани қилишимиз мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Daic. C.Morse, Jeroid L.Zimmerman. *Menageral Accounting.* – Irwin, 1997. P. 12.
2. Penne Ainsworih, Dan Deines, R.David Piumlee, Cathy Xanthaky Larson, *Introduction to Accounting: An integrated Approach,* – Irwin, Prined in USA 1997. P. 30.
3. Robert W., Antony F., James S. Reece "Accounting principles". 1983. – 367 р.
4. Волкова ОН. Управленческий учёт. Учеб. – М.: ТК Велби, Издательство Проспект, 2006.
5. Качалин ВВ. Финансовый учет и отчетность в соответствии со стандартами GAAP. – М.: Дело, 2007. С. 400.
6. Соколов Я.В. Соколов В.Я. История бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, 2006. С. 243.
7. Темур тузуклари. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 184 б.
8. Курбанов З.Н. Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатини шакллантиришининг назарий масалалари. // "Молия ва банк иши" илмий-электрон журнали. 4-сон. июль-август, 2019.
9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2022 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ""Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами – 3221-1].
11. Курбанов З.Н. Солиққа тортиш мақсадидаги ҳисоб сиёсатини шакллантиришининг назарий масалалари. // "Молия ва банк иши" илмий-электрон журнали. 2019 йил. 4-сон, 71-77 б.
12. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили методикасини тақомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2019. – 146 б.
13. Курбанов З.Н. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг муаммолари. // "Логистика ва иқтисодиёт" илмий-электрон журнали, 2020 йил 3-сон, 96-102-бетлар.
14. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлилининг назарий масалалари ва ҳисоб-ахборот таъминоти. "Молия ва банк иши" илмий-электрон журнали. 2020. 3-сон. 116-124-б.
15. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 150 б.
16. Kurbanov Z.N. *Problems of Audit Organization in the Context of Digitalization of the Economy. Journal of Economics, Finance and Management Studies.* ISSN(print): 2644-0490, ISSN(online): 2644-0504. Volume 4 Issue 05 May 2021. Article DOI: 10.47191/jejms/v4-i3-08, Impact Factor: 6.228. Page 460-463.
17. Исаев Ф.И. Солиқ таҳлили методологиясининг назарий асослари. // "Иқтисодиёт ва таълим" илмий журнали, 2021. 3-сон. 75-81-б. (08.00.00; 11-сон).
18. Курбанов З.Н., Назаров А.К. Ўзбекистон Республикасида фискал ва солиқ сиёсатларининг асосий ўйналишлари. // "Логистика ва иқтисодиёт" илмий-электрон журнали, 2021 йил, 31-сон, 177-184-б.
19. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳчилик қилиш методикаси. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2021. 3-сон. 367-377-б. (08.00.00; 10-сон).
20. Исаев Ф.И. Солиқ текширувларини рақамлаштириши зарурати. // "Бизнес-эксперт" илмий журнали. 2021. 6-сон. 52-54-б
21. Kalonov M. B. "Improving the organization of accounting and cost analysis of provision of cars." (2018): 128-129.
22. Kurbanov, Ziyat Niyazovich, and Komil Khotamov. "Issues of improving analysis of taxes." Социально-экономическое развитие россии и регионов в цифрах статистики. 2017.
23. Niyazovich, Kurbanov Ziyat. "Organization of Tax Audit in the Republic of Uzbekistan." International Journal of Research in Social Sciences 10.4 (2020): 34-43.
24. Исаев Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
25. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишида солиқ таҳлилидан фойдаланишини тақомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
26. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций. – 2017. – С. 246-254.
27. Калонов М.Б. Анализ структуры затрат при производстве автотранспортных услуг //Политика, экономика и социальная сфера: проблемы взаимодействия. – 2017. – С. 76-79.



**СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИ КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ
ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА**

**Акрамов Фарход Артықбаевич -
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси мустақил тадқиқотчиси**

doi: <https://doi.org/10.55439/ECED/vol23.iss4/a26>

Аннотация: Мақолада солиқ харажатлари корхона харажатларининг таркибий қисми сифатида ўрганилиб, иқтисодчи олимларнинг "солиқ харажати" тушунчасига нисбатан тадқиқотлари ўрганилган ҳамда хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калим сўзлар: харажат, нарх, товар, ишлаб чиқариш, маҳсулот, реализация.